

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИКИШИ
№ 235 (4226)
28
НОВАБРЬ
ЖУМА
1969 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин

Л. И. Брежнев ГДР миллий мудоффаа министрени қабул қилди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Германия Демократик Республикаси миллий мудоффаа министри, армия генерали Гайнц Гофманни 27 ноябрда қабул қилди.

Миллий мудоффаа министрнинг ўринбосари генерал-полковник Г. Кесслер, адмирал В. Фернер ва Германия бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг бўлим

мудари генерал-майор В. Борнинг ҳам Г. Гофман билан бирга кетдилар.

Суҳбатда совет томонидан СССР Мудоффаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко ва авиация генерал-полковники Н. П. Дагаев қатнашдилар.

Л. И. Брежнев ГДР қуролли кучлари намоёндаларини самимий табриклади. У Совет Қуролли Кучлари билан ГДР миллий халқ армияси ўртасидаги дўстона муносабатлар муваффа-

қиятлик ривожланиб бораётганидан мамнун эканлигини билдирди.

ГДР миллий мудоффаа министри армия генерали Г. Гофман суҳбат вақтида Совет Иттифоқи бўйлаб қилган сафаридан ҳамда совет кишилари билан, шунингдек СССР Қуролли Кучлари намоёндалари билан учрашувдан олган таассуротларини айтиб берди.

Суҳбат самимий, дўстона ва зиятда ўтди.

(ТАСС).



КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ
Бутуниттифоқ III съезди. У Ватанимиз йилномасига колхоз деҳқонлари ва бутун совет халқи ҳаётида ленинча кооператив планининг ер-кин тантанаси сифатида ёзилди. Съезд делегатлари учун бу улкан анжуман унутилмас воқеа бўлиб қолади, уларни янги-янги меҳнат масоратига чорлайди. Съезд давридаги мароқли учрашулар деҳқонлар қалбида ёрқин хотира бўлиб қолади. Чапдаги суратда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев съезд делегатлари билан суҳбатлашмоқда. Ундаги суратда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин съезд қатнашчилари орасида.

С. Смирнов ва А. Степанов фотолари. («Известия»).



Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съезди мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1969 йилнинг 27 ноябрда колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съезди ўз ишчи давом эттирди.

Эрталабки мажлис Амур областидаги «Приамурье» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. М. Ступиников раислигида очилди.

Колхознинг янги Намунавий Устави тўғрисида қилинган доклад юзасидан музокараларда Туркистон ССРдаги Ленин номи колхозининг раиси М. Уразмуродов, Бошқирiston АССРдаги «Правда» колхозининг агрономи А. Б. Икромов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тажетдинов, Эстония ССРдаги «Синтис» колхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Э. П. Отсман, Олтой ўлкасидаги «Россия» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Я. Шушмаков, ёзувчи М. А. Шолохов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар қизгин кутиб олган Монголия Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик бирлашмалари союзи олий кенгашининг раиси ўртоқ Л. Ринчин, Польша Халқ Республикасининг қишлоқ хўжалиги министри ўртоқ М. Ягелский, Руминия Социалистик Республикаси миллий ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик кооперативлари союзининг раиси ўртоқ В. Вилку, Чехословакия Социалистик Республикасининг қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат федерал комитетининг раиси, министр ўртоқ К. Бода, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг халқ хўжалиги иттифоқ секретариининг ўринбосари ўртоқ Л. Петкович съездга табрик сўзлари айтиб нутқ сўзладилар.

Танфовусдан сўнг съезднинг мажлиси Молдавия ССРдаги «Молдова» колхозининг тамакикор бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ И. М. Булат раислигида давом этди.

Колхознинг янги Намунавий Устави тўғрисида қилинган доклад юзасидан музокараларда Татаристон АССРнинг Абдулла Тўқай номидаги колхоз касаба союзи комитетининг раиси, комбайнчи И. И. Аҳмадуллин, СССР қишлоқ хўжалиги министри В. В. Мацкевич, Белгород областидаги Жданов номи колхозининг раиси А. Л. Котов, Ульяновск областидаги «Россия» колхозининг раиси П. И. Каширин ўртоқлар сўзладилар.

Делегатлар ва меҳмонлар қизгин кутиб олган Бирлашган Араб Республикаси Қишлоқ хўжалиги министрлиги бош инспекция департаментининг бош директори Носир Ал-Хусайн, Гвинея Республикаси қишлоқ хўжалиги экономикаси давлат секретариати кабинетининг бошлиғи Сек Тьерно Умар, Сурия Араб Республикасининг қишлоқ хўжалиги ва аграр ишлов министри Мухаммад Санд Талеб, Судан Республикаси қишлоқ хўжалиги министрлигининг ўринбосари Абдул Ал-Диррар, Ироқ Республикаси аграр ишлов министрлигининг ўринбосари Ахмед Ал-Рауи, Франция деҳқон хўжаликларининг химия қилиш ҳаракатининг бош секретари Р. Миньо, Финляндия майда ер эгалари союзининг раиси А. Салорант съездга табрик сўзлари айтиб нутқ сўзладилар.

Раислик қилувчи столи ёнида — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний.

Италия Коммунистик партияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудари Жерардо Кьяромонте съездни табриклади.

Колхознинг янги Намунавий Устави тўғрисида қилинган доклад юзасидан музокараларда Одесса областидаги Татарбунарское Востанье номи колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. З. Тур, Магадан области Чукотка миллий округидаги «Первый ревком Чукотки» колхозининг бугучилик бригадаси бошлиғи Г. А. Аретагин сўзладилар.

Съезд музокаралари тўхтатиш тўғрисидаги таклифни қабул қилди.

Докладчи — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский ақуловчи сўздан воз кечди.

Устав лойиҳаси бўйича ҳамда съезд делегатлари айтган бошқа масалалар бўйича таклифларни қуриб чиқмоқ учун съезд тузган комиссия номидан Винница областидаги «КПСС XXIII съезди» колхоз раиси, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. М. Кавун нутқ сўзлайди.

Делегатлар комиссиянинг Устав лойиҳасига киритган тўзатишларини бир овоздан қабул қилдилар.

Ўртоқ Кавун колхознинг Намунавий Устави тўғрисида съезд қарори лойиҳасини ўқиб беради. Колхозчилар Бутуниттифоқ учинчи съездининг «Колхознинг Намунавий Устави тўғрисидаги қарори ақдиллик билан қабул қилинади».

Ўртоқ Кавун колхоз кенгашлари тузиш тўғрисидаги масалани баён қилади ва съезд қарори лойиҳасини ўқиб эшиттирди.

«Колхоз аъзоларининг социал страхованиеси тўғрисидаги қарор лойиҳаси ўқиб эшиттирилади. Бу лойиҳа ҳам ақдиллик билан қабул қилинади».

Делегациялар вакилларининг кенгаши номидан Воронеж областидаги «Семилукский» колхозининг раиси Г. А. Силаров колхозлар иттифоқ кенгашининг сон ва шакли состави тўғрисида таклиф киритади. Колхозлар иттифоқ кенгаши 125 кишидан иборат составда ақдиллик билан сайланади.

Волгоград областидаги «Путь к Коммунизму» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. А. Сергеевко минбарга чиқади. У колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съезди номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига ёзилган мактуб текстини ўқиб беради.

Мактуб тексти ақдиллик билан қабул қилинганлигини белгиласи, сифатда залда гулдорлар, қавимлар қарсақлар янграйди.

Раислик қилувчи ўртоқ Н. В. Подгорний қисқача нутқ сўзлаб, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съездини ёлқ деб эълон қилди.

Залда партия гимни «Интернационал» янграйди.

27 ноябрда Кремлдаги Съездлар саройида кундузи соат 4 да колхозчилар Бутуниттифоқ учинчи съездининг кечки мажлиси бошланди.

БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ХУКУМАТИ, ВЕНГРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ХУКУМАТИ, ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХУКУМАТИ, ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ХУКУМАТИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ХУКУМАТИ, ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХУКУМАТИНИНГ

ЯҚИН ШАРҚДАГИ АҲВОЛ Тўғрисидаги БАЁНОТИ

Кейинги вақтларда империализмнинг ўта кетган урушқон доиралари ўтказиб кетаётган агрессия сибаст натижасида Яқин Шарқ районида кескинлик яна хатарли суратда кучайиб бормоқда.

Исроил Бирлашган Араб Республикасига, Сурия Араб Республикасига, Иорданияга ва бошқа Араб давлатларига қарши ҳарбий иттифоқларини тобора кенг қўламда уюштирмоқда. Тобора йирик қуролли кучлар бу иттифоқларга жалб этилмоқда. Ана шу кучлар оғир қуроллардан, авиация, танклардан фойдаланмоқда. Исроил босиб олинган Араб территорияларида араб аҳолисига нисбатан мустақиллашларча талончилик, жабр-зулм ва зуравонлик сибастини ўтказаяпти. Исроилнинг бундай ҳаракатлари жуда хатарли бўлиб, бу райондаги воқеаларни янги ҳарбий можарога чорламақда.

Яқин Шарқда адолатли ва мустақам тинчлик ўрнатиш йўлига юз солиётган Исроилнинг ана шу иттифоқли сибастини Араб мамлакатларидаги прогрессив режимларга қарши, барча Араб давлатларининг миллий мустақиллигига қарши, араб халқларининг империализмга қарши курашида жуда катта роль ўйнаётган озолик ҳаракатига қарши қаратилган режаларини ифода этади. Империалистлар Яқин Шарқда қўлларидан кетган позицияларини тиклашга интилмоқда. Уларнинг бундан

Шонли колхозчи деҳқонлар — мамлакатимизда коммунистик жаъмият қуриш учун курашдаги буюк бунёдкор кучдир. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съезиди табрикномасида ифодаланган ана шу фикр съезд делегатлари ва меҳмонларнинг сўзлаган нутқлари мазмунини ётади.

Колхоз деҳқонлар учун чинакам коммунизм мактаби бўлиб қолди. Съездга сўзга чиқаётганларнинг келтириб келган қўлдан-қўл мисоллари колхоз тузумининг янги, колхозчи хўжалигининг мустақамлиги ва юксак даражада тарққий топанлигини ишонarli қилиб кўрсатиб бермоқда. Сўзланаётган ҳар бир нутқ ҳали мамнун намчилик билан барҳам бериш учун қизқик билан сугорилган. Нотинлар янги имкониятлар ва жуда катта резервлардан илҳом борича кўпроқ маҳсулот олинмагани қилиб, тўлароқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб ўтмоқдалар.

Қўл миллионли колхозчилар армиясининг вакиллари колхоз тузуми тўғрисида ғамхўрлик қилаётган ва унга эътибор бераётган ҳамда уларнинг қилган меҳнатларига юксак баҳо бераётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясида қизгин миннатдорчилик билдирадилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев съездга сўзлаган нутқида «Деҳқонлар ишчилар синфи билан иттифоқ бўлиб, Ленин партияси теварагига маҳкам жипслашгадиганина эркин ва бахтли ҳаёт тўғрисида арслар бўйи қилиб келган орузларни амалга ошира олишларига тажрибада ишонч ҳосил қилдилар, деди».

26 ноябрь кунин колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съезидида колхознинг янги Намунавий Устави тўғрисида қилинган докладни муҳомада қилиш давом этди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский бундан бир кун аввал шу ҳақда доклад қилган эди.

Эрталаб соат 10. Делегатлар ва меҳмонлар Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, П. И. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. И. Мжаванадзе, В. В. Шчербинский, Н. В. Капонинов, Ф. Д. Кузлов ўртоқларининг ҳамда съезд Президиумининг бошқа аъзоларини ўринларидан туриб, гулдурас қарсақлар билан нутқ оқидилар.

Эрталабки мажлисда раислик қилувчи Тошкент областидаги Киров номи колхозининг участка мудираси СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Охунова Херсон областидаги «Новое життя» колхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Романюкка сўз беради.

Ўртоқ Романюк деҳқонлар тўғрисида қилаётган кундалик ғамхўрликларни учун Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитетига колхозчилар номидан самимий миннатдорчилик изҳор этади.

Москва областидаги Владимир Ильич номи колхозининг раиси

И. И. Кухарь минбарга чиқди. Ленин Ильич Брежневнинг нутқи дейди у, ҳаммамизда чуқур таассурот қолдирди. Бу нутқда ленинча кооператив планининг амалга оширилиш процесси айтиб берилди.

Нотин ўз колхоз, унинг кишилари, ишлари ва келажак режалари ҳақида гапираб экан, ушбу хўжаликнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи Владимир Ильич Ленин номи билан чамбарчас богланганлигини фахр билан эслатиб ўтади.

Москва области колхозларининг меҳнаткашлари, деди ўртоқ Кухарь, колхоз янги Намунавий Уставининг лойиҳасини ақдиллик билан маъқуллайдилар. Колхозларини бошқаришни тақомиллаштириш, колхоз тузумини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам биз сайланадиган колхоз-кооператив органлари тузиш тўғрисидаги таклифни батамом ва тўла-тўкине қўллаб-қувватлаймиз. Бу нарсани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришда кооператив хўжаликларнинг афзалликлари билан тўлароқ фойдаланишга, колхозларро ишлаб чиқариш ва иттифоқли алоқаларини янгилашга келайтиришга, табиий, мол-дий-техника ва меҳнат ресурсларидан тоат рационал фойдаланишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни сотишни яхшироқ ташкил этишга имкон беради.

Озарбайжон ССРдаги Оржоникидзе номи колхозининг қўйчилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Г. Р. Керимовга сўз берилади. Съезднинг иши шонли вақтларда ўтмоқда, деди у. Бутун мамлакатимиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасида турибди. Бу байрам меннинг республикам меҳнаткашлари учун эса, байрам устига байрам бўлади: В. И. Ленин туғилганининг юз йиллиги байрамининг байрамига тўғри келади. Мен районимиз деҳқонлари ва чорвадорларининг эришган меҳнат зафарлари тўғрисида гапириб бериш шарафига муяссар бўлдим. Барда—республиканинг янги йиллик қишлоқ хўжалик районларидан биридир. Ҳозирги кунда колхоз меҳнаткашлари беш йиллик тоштинларини шараф билан баҳо келтирмоқ учун бор куч-қувватларини сарфлаётдилар. Ҳозирги йилнинг ноқулай об-ҳаво широниларига қарамай, деҳқончилар ва чорвачилик маҳсулотлари еттиштириш плани ошириб баланд қилди. Мана шу муваффақиятларда колхозимиз меҳнатининг ҳиссаси ҳам бор.

Сўнгги Г. Р. Керимов ўз бригадасининг эришган муваффақиятлари ҳақида гапириди.

Литва ССРдаги Черняховский номи колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати В. К. Адамавичус минбарга чиқади.

(Давоми киккинчи бетда).

МОСКВА. 26 ноябрь, Кремлининг Бутуниттифоқ III съезди мажлислари С. Смирнов ва А. Степанов фотоси. («Известия»).



(Боши бириктири ботда).

(Боши биринчи бетда).

СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ОНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ
ДАЛАНИШ МИНИСТРИ ЭТИБ
ТАЪРИСИДА
мобиль йўллари қуриш ва фой-
даланиш министри этиб тайин-
лансин.
Президиумиянинг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Президиумиянинг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.
ент шахри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. Қ. ҚАЮМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ
ИУЛЛАРИ ҚУРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ МИНИСТРИ ЭТИБ
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети
ти Президиуми қарор қилди:


Ўртоқ Абдуҳамид Қаюмович
Қаюмов Ўзбекистон ССР авто-
мобиль йўллари қуриш ва фой-
даланиш министри этиб тайин-
лансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.

1969 йил, 27 ноябрь, Тошкент шаҳри.

„ЎЗБЕКОБОД“ пахта пунктида



Пахта йиғим-терими давом этаётган шу кеча-кундузда «оқ олтин» ортиган машиналар ҳамон қабул пункти томон оқилти. Деҳқонлар даладаги ҳосилнинг бирор граммини ҳам қолдирмасдан йиғиб-териб топириш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солимоқдалар. «Ўзбекобод» пахта пунктида ҳам келтирилган ҳосилни қабул қилиш ишлари жадал олиб борилапти. Суратда: (ўйғда) 1. Пункт муддир О. Мўминов ва пункт ходими Б. Эшонқуловлар пахтанинг сифатини кўздан кечиришмоқда. (чапда) 2. Пахта ғарами.

Б. Сафаров фотолари.



Кенсалар ҳикоя қилишади: илгари Тўйтападан Оҳангарон дарёси қўроғиғича бўлган саккиз километрлик катта йўлнинг икки томони қир-адир эди. Бегмат минбошини йўқ қилган партизанларни ақинлари томонидан «жонга-қон, жонга-жон!» деб ялаган оёқ янтоқ тегирилган ер (ҳозирги «Горняк» совхоз)даги икки тул катта сада қайрағоч ҳисобга олинмаганда, оралиқда на бир тул дарахт ва на уй бор эди. Пискентга борадиган йўловчилар ҳозирги районлараро база ўрнидаги қудуқдан сув ичишар-

С Ъ Е З Д Д Е Л Е Г А Т И

ди. Сув чигиряқ ёрдамида туя билан тортиб чиқариладди. Қишлоқнинг «Чигиряқ» деб аталган бонси ҳам шу. Пиллар ўтди. Бу ерда «Ленин» бонси, «Ленин йўли», «Коммунизм», «Охунбобоев» номли қолхозлар ташкил топиб, бий далада уй-жойлар, жамоат бинолари, осмонлар дарахтлар қад кўтарди. Қишлоқ таниб бўлмас даражада ўзгарди. 150

— 200 гектардан ерда деҳқончилик қилаётган шу беш ҳўжалик бириладиб, «Ленин йўли» деб аталадиган бўлди. Илгари техника етарли бўлмаган пайтларда Абжал ота Машарипов омон билан ер ҳайдарди. Шунда ўғли Ҳалил қўлига гаврон олиб отасига ёрдам берар, эртадан кечгача бир та-ноб ер ҳайдаб, оёқлари қава-риб кетарди.

Шунда Абжал ота ўғлига: — Э, болам, сира ранжима, сен катта бўлгунча ҳар маши-налар чқадил, ери трактор ҳайдайди, пахта, бўсақ маши-нада терилади. Шунда сени албатта механизаторликка ўқи-таман, — дерди. Мана, Абжал ота айтган вақт келди. Бу орада Ҳалил Абжа-лов ҳам тракторчилик курсини битириб, механизатор бўлди. Мана, у 3 йилдан бери қолхоз-

даги комсомол-ёшлар эвеносига бошчилик қилиб, ҳосилдорлик-ни йил сайин оширяпти. 1967 йили 66 гектар ернинг ҳар гек-таридан пландаги 27 центнер ўрнига 35 центнердан, 1968 йили 33 центнердан ҳосил ол-ди. У бу йил ҳам 35 центнер-лик маррани кўзлаб меҳнат қилаяпти. Ҳолбуки, бу ерлар-дан илгари 20—22 центнердан ҳосил олинарди.

Ҳалил Абжаловнинг ўзи ма-пинада ҳозиргача 70 тонна пахта терди. Абдураим Мара-жабов, Зиннат Хусанбоева, сувчи Эргаш Ҳасанов, Ҳаби-булла Хусанбоев, Замира Аб-жалова (Ҳалилнинг хотини) на-би зевно аъзолари ҳосилдор-лики оширишда Ҳалил Абжа-ловга яқиндан ёрдам беришди. Бутун Ҳалил Абжалов Мос-квада, ҳамқишлоқлари уни қо-хозчиларнинг Бутунитифок III съездида делегат қилиб сайла-шгани.

Ш. ИҲЛОШЕВ,
ТошДУ студенти.

КЕКСАЛАР ҲИММАТИ

Октябрь район ижроия коми-тетининг навбатдаги сессия-си давом этапти. Кун тартиби-даги масала кўриб бўлишга, депутатлардан Ҳикмат ота Аҳ-маджонов ва Ҳўра ака Исмо-мовлар муҳим бир таклифини ўртага ташлашди. Улар кўп йиллардан бери райондаги Гу-ричарик ва Свердлов номли маҳаллаларга раислик қилиб келмоқдалар.

Ўртоқ депутатлар — деди Ҳикмат ота минбарга чиқар экан, — шу кунлари халқимиз-нинг фикри-зиқри пахтада. Ҳо-зир қўлидан иш келган ҳар бир киши пахта даласида бўлиши керак. Ўғил-қизларини пахта-корларга мадад берганларни ҳолда Ватанимиз бойлигини орттириш, халқимиз турмуши-ни янада фаровон қилиш йўли-да ҳорай-толмай меҳнат қил-моқдалар. Келинг, биз ҳам уларнинг сафига қўшилилайик. Билагимизда куч-қувватимиз бор экан, далага чиқиб пахта терайлик. Барча маҳалладаги ишга лаёқатли қарияларни ҳам бунга жалб этайлик.

— Ҳикматжон, айни муддао-ни айтиш, — ўриндан туриб гап бошлади Ҳўра ака. — Ҳозир ҳаво яхши, ҳар кун ганимат. Шундай экан, фурсатини кўздан бой бермай далага чиқайлик.

Нуроний отахон, саксон етти ёшлик Носир Махсумов ҳам бу гаплардан тасвирланиб минбар-га кўтарилди. — Бу ерда нийҳатда оқилова таклиф бўлди, — деди у. Бутун-ноқ бир қолхозга сим қоқиб Тошкентдан ёрдамчи қарилар чиқишда деб айтишлар. Эрта-лабга машина тайёр бўлсин. Ҳозир ҳаммамиз ўз маҳалла-мизга бориб, пахтага чиқадиган қарияларнинг ҳисобини оламиз.

Эртаси кун тонг ёришмасдан-ноқ Октябрь район партия коми-тетини биноси ёни одамлар би-лан гавкумлашди. Ҳадемай райондаги эзлик маҳалладан 160 қария бу ерга тўпнанишди. Махсус машина қарияларни ўрта Чирчиқ районига олиб чиқди.

Мана, бир неча кунларки улар шу райондаги Калинин номли қолхозда шикоят кўр-сатиб, қолхозчилар ва шахар-лик ёшлар билан ёни-ён ту-риб меҳнат қилмоқдалар. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, ҳурматли қарияларимизнинг те-риб берган ҳар бир килограмм дурдонаси қолхоз хирмонига барака киритиб турибди.

— Ҳозир мажур ҳўжалик-да 150 га яқин отахон меҳнат қилмоқда, — деди сўхбатда Ок-тябрь район ижроия комите-тетининг раиси Ғ. Абдураулов. — Улар барча ҳосил териб олишгунча қолхозда бўламан, деб аҳд қилишган. Шунингдек, райондаги мажур маҳаллалар-дан одамлар йиғиб, ҳар кун икки ҳўжаликларга чиқариб турибмиз. Бу ўринда айниқса, Пушкин, Свердлов номли, «Ок-тябрь 40 йиллиги», «Пахта-кор», «Қизил кўприк» маҳалла-сининг аъзолари ўрнак кўрсат-моқдалар.

Октябрь район меҳнатқаш-ларининг бу ватанпарварлик та-шаббуслари мактовга сазовор-дир. Ҳозирги доллар кўнлар-да умумхалқ ишига уларнинг муносиб ҳиссаларини қўшаёт-ган райондаги барча отахонлар-га қолхозчилар ўз миннатдор-чиликларини билдирмоқдалар.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ,
АЗИЗ ОТАХОНЛАР!

И. ЮСУПОВ.

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 27 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилагани, бешинчи стун — мавсум бошидан бугун машинада терилгани.

ОҚҚУРҒОН	0,56	100,76	0,11	75,37
Янгийўл	0,90	98,79	—	52,12
Оржоникидзе	1,03	91,58	—	47,50
Юфори Чирчиқ	1,02	85,46	—	64,63
Урта Чирчиқ	0,80	81,58	—	48,91
Бекобод	0,81	72,63	0,02	32,70
Бўка	0,96	70,06	—	34,87
Область бўйича	0,82	85,47	0,03	51,48

тонна угун

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ШУНДОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 27 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(ЙИЛЛИК ПЛАНГА НИСБАТАН ПРОЦЕНТ ХИСОБИДА)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Калинин	1,3	81,1
Оржоникидзе	4,9	78,2
Бўстонлиқ	—	67,0
Юфори Чирчиқ	2,4	49,1
Оққурун	0,7	25,6
Янгийўл	0,2	20,4
Урта Чирчиқ	1,8	11,4
Бўка	1,3	9,5
Бекобод	—	3,5
Область бўйича	1,1	24,3

ГУЛИСТОНЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Ватанимизнинг пойтахти Москвада қолхозчиларнинг Бутунитифок III съезди ўз иш-ини давом эттиряпти шу кун-ларда Бўка районидagi «Гу-листон» қолхозининг аъзолари терим суръатига-суръат қўш-моқдалар. Шу қолхоз раиси съезд делегати Исиддин Ҳай-даров Москвага кетаётганда қолхозчилар ва механизатор-лар уни иловтириб, планни уч-тўрт кун ичида бажарамиз, съездга рапорт йўллаймиз, деб айтган эди. Сўзи билан иш бир бу азаматлар ўз мақсадларига эришдилар, қол-хоз йиллик планни бажарган-лиги тўғрисида рапорт берил-

ди. Ҳар гектар ердан 26,3 центнердан ҳосил йиғиб оли-ниб давлатга 2635 тонна «оқ олтин» жўнатилди.

Ҳўжаликда бундай ютуққа эришишда механизаторлардан М. Мусаев, Р. Раҳмонов, М. Исакулов ўртоқлар раҳбарлик қилган эвеносларнинг аъзолари уларнинг муносиб ҳиссалари-ни қўшдилар. Улар гектаридан 28—30 центнердан ҳосил йи-ғиб олдилар.

План тўлган бўлса ҳам дала-ларда ҳали ҳосил мўл. Қол-хозчилар давлатга яна 400 тонна пахта етказиб берамиз, де-моқдалар.

МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ ДУРАНГ

Киевнинг «Динамо» футбол-чилари 26 ноябрь кунин Флорен-цияда «Фиорентина» командаси билан иккинчи марта учрашди-лар. Совет футболчилари актив ҳаракат қилиб, ҳужумкорлик руҳида ўйнаган бўлишларига қарамай италяндлар дарвозаси-ни забт этолмадилар. Ҳисоб — 0:0 лигича қолди. Киевда бўл-ган ўйнда ғалаба қозонгани учун (2:1) Италия командаси Европа чемпионлари кубогининг чорак финалига чиқди.

«ПАХТАКОР» ҒАЛАБАСИ

Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари Кубадаги ўйин-ларни тугатдилар. Улар Куба-даги команда билан бўлиб ўйна-ган учрашунинг 1:0 ҳисобдан уқилдилар. Тўпни биринчи бўлимда Иброҳимов киритди. Шундай қилиб, ҳамшаҳарлари-ни Озодалик оролида Куба ми-лизи терма командаси билан 3 марта ўйнаб, икки ғалаба ва бир мағлубият билан қайтмоқ-далар.

Тошкент тракторсозлик заво-ди футболчилари «Зарафшон» командаси билан «А» клас-сининг иккинчи лигасига ўтиш учун бўлган биринчи ўйинни ютқазиб қўйдилар. Навоий ҳис-обида майдон эгалари фойдаси-га ҳал бўлди. Энди рақиблар 30 ноябрь кунин Тошкентда қайта беллашишди.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.

Б. 2410.

ИНДЕКС — 6469 Р — 03575

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
17.55 — Кўрсатишлар програм-маси.
Рус тилида: 18.00 — Ўзбеки-стон комсомол (Еврик) студия-си), 18.40 — Телеингиллар.
19.00 — Москва кўрсатида, Қолхозчиларнинг Бутунитифок III съездининг тантанали ёпили-ши.

ТОШКЕНТ КУРСАТИДА
20.00 — В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлан-ган телевизион фестивал. Боку телестудиясининг кўрсатишлари.
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КУРСАТИДА
18.45 — Кўрсатишлар програм-маси, 18.50 — Янгиликлар.
ТОШКЕНТ КУРСАТИДА
Ўзбек тилида: 19.00 — Ўзбек совет кўнлиги, 19.40 — «Ўзбек ти-ли ва адабиёти» журналы — сту-дия меҳмони.
20.00 дан — Москва кўрсатида.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРАДА — 28/Х да Тўй кунда.
ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/Х да Улимадан кучли, 29/Х да Алишер Навоий.
МУҲИМИН НОМЛИ ТЕАТРАДА — 28/Х да Қизилбўлак, 29/Х да Қай-нона.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янгиликлар ҳайвонлар аттракциони.

КИНО

Анжелика — фаршталар мар-кизаси — САНЪАТ САРОНИ (кундуз соат 1.5 ярим ва кеч 9-15 минута), «ЧАЙКА», «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕ-ТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун), «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 8 да).
Севги ва нўз ёши — «ЎЗБЕ-КИСТОН» (кундуз ва кечкурун).
Ҳаётимизнинг энг яхши йил-лари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛ-ЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).
Қашмирдаги севи (Ўзбек, тили-да) — НАВОНИ номли (кундуз ва кечкурун).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНИИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ТЭЗ КУНДА

В. И. Ленин туғилган кун-нинг 100 йиллигига бағишлан-ган
ЛНГИ СПЕКТАКЛЬ
М. ШАТРОВ
ОЛТИНЧИ ИЮЛЬ
(2 қисмдан иборат драма)
Ассоний роҳбар: В. И. Ле-нин — Ўзбекистон ССР халқ артисти З. МУҲАММАДЖОНОВ
Ф. Э. Дзержинский — СССР халқ артисти. Ҳамза музофоти лауреати Н. РАҲИМОВ
Я. М. Свердлов — Ўзбеки-стон ССР да хизмат кўрсатган артист Е. ҲИМЕДОВ.
Саҳнада кўювчи — Ўзбеки-стон ССР халқ артисти, Абдулла Тўхай музофоти лауреати Т. ХУҲАЕВ.
Релиссёр — Х. М. КОЖЕВ-НИКОВ.
Рассом — Г. А. БРИМ.
Позитивор — А. А. БЕР-ЛИН.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Совет Иттифоқи Коммуни-ст партияси Марказий Ко-митетининг органи — «СОЦИ-АЛИСТИЧЕСКАЯ ИНДУСТРИЯ» газетасига
ОБУНА
ДАВОМ ЭТИМОҚДА
Газета саомат қорхоналари-нинг инженер-техниклари, ил-лий қодимлари ва ишчи-хиз-матчилари учун муайянлан-ган.
Газетага обуна 15 декабра-ча давом этади.
Ўзбекистон ССР Алоқа ми-нистрлиги «Союзпечать» бошқармаси.

Менинг милициям

...Милиция старшинаси Юсуп Раҳматов ўғилларни ушлаб бў-лима олиб бораётганда фожа-ий ҳодиса юз берди. Ижнотчи-лар разил қилмишларидан қу-лиш мақсадида пайт пойлаб милиционерга ташландилар. Ярим тунда, соқини кўчада ми-лиционер билан икки ижнотчи ўртасида тенгсиз олинув бош-ланди. Юсуп ака бўш келмади. Ленин ижнотчиларининг бири ўша топда ерда ётган оғир те-мирини олиб Раҳматовнинг ора-сидан тушириб қолди.

Бахтсиз ҳодиса Раҳматовлар оиласига оғир мусибат келтир-ди. Бу воқеа айниқса ёш Акро-мга қаттиқ таъсир этди. Ота-сини уқидиган ўша ўғилларга бўлган нафратни уни тинчитмас-ди. Ўн йиллар Ақром ўсиб улгай-ганда милиция ходими бўлишга, отаси изидан боришга аҳд қил-ди.

Орадан йиллар ўтди. Ёш Ақром ниятига етиш мақсадида ўқиди, ишлади. Ижнотчиларга нарсини қўрашда кучли ва уд-дуррон бўлиш, қонун-қоидадан ширин оғир даламларда тўғри ҳу-қуқларини лозимлигини би-ларди.

Шунинг учун ҳам Ақром об-ласт ички ишлар бошқармаси ижнот қидирув бўлимига ишга келганида ўқини давом эттир-ди. У кундузи ишлаб кечкурун-лари Тошкент давлат универси-

тети юридик факультетида ўқи-ди. Милиция майори М. Фай-зуллаевдан кўп нарсаси ўрганди. Ақром Раҳматов Муртазо ака-ни биринчи устоз деб билади. Тошкентда келганида у билан тез-тез учрашиб туради, масла-ҳатлар олади.

Шу йил бошларида лейте-нант А. Раҳматовни Чирчиқ шаҳрига ишга юборишди. Уни сирташавиш ва масъулиятли па-зифа кутарди. Ақром аввалига бироз чўчиди. «Ижнот қидирув бўлимининг бошқара оларминкан-ман, тажрибам камлик қилмас-микан» қаби ҳаёллар уни тин-читмасди. Устозин М. Файзулла-евнинг сўзларини хаёлига кел-тирса бироз таскин топарди.

Янги бошлик дастлабки ҳаф-таларда бироз қийналган бўлса-да, лекин кўп ўтмай ҳамма иш изига тушиб кетди. Ҳаммаси ра-ис ўртасида оғу-хурмат топа бошладди. Бир неча мураккаб операцияларга ўзи бошчилик қилди. Ижнотчини қисқа муддат-да очинди, ҳулосалар чиқариб-да бошқаларга ўрнак кўрсатди.

Дам олиш кунин. Баҳром ту-ғилган кунини нишонлаб меҳмон-лар келишди. Умидда оға елиб-қутуради. Ақром унга ёрдамла-шди. Тўнун дастурхон устида ҳурсандчилик. Тўли бийрон Баҳромнинг гашига маҳнэ бўл-гайлар уни қайта-қайта гапга солишди. Шу топда телефон жиринглаб қолди. Ақром труб-

кани олди-ю, дарров ўр-дига қўйди. Умидда опа эрининг ҳаракатидан воқеани тушу-нди.

— Сира тинчлик йўқ эканда, — деди у эрининг орақсидан ик-кинчи уйга қирар экан. Ўз айтиб, уйда меҳмонлар бор де-қолсангиз бўлмаймики, сиздан бошқа одам йўқми?

— Бўлмайди, онаси. Сизлар баҳузур ўтиравинглар. Мен тезда келиб қоламан, Меҳмон-лар олдиға чиқинг.

Ақром меҳмонларга уэр ай-тиб ташқарига чиқди. Эшик та-риқда уни машина кутиб тура-рди. Старшина Василий Жуков йўл-йўлакка ахборот бериб бор-ди. Лейтенант воқеа содир бўл-ган жойга етиб келгач, кетма-кет суд экспертизаси ва проку-ратура ходимлари ҳам келишди. Старшина «Алфа»ни из иска-тишга тутинди. Экспертиза хо-димлари ерда ётган мурдани су-ратга олиб, жароҳатини очиб кў-ришди. Ижнотчилар урган пи-чоқ юракка бориб қадалганди.

«Алфа» бир неча ўз метр юрғач, изни йўқотди. Гувоҳлар йўқ.

В. Кичушкин ўз уян остонас-и олдида ўқиди-ю, лекин лейте-нантнинг дастлабки ҳулосаси шундай бўлди: Бу ижнотчин Викторин билган ва касди бўл-ган кимса қилган бўлиши ке-рак. У ярим тунда милиция бў-

лимига қайтар экан, бўлажан операция планини ўйларди. У тезроқ ижнотчи изига тушиб лозимлигини, бу ишчи қанча-лик бариқат бўлмаса шунчалик яхши бўлишини билар эди. Эк-спертиза натижаларини бир неча соат кутиб лозим бўлса, иккин-чидан ярим кечда қаерга ҳам боради, кимларни ҳам безовта қилади. Наҳора, тонг отиши-ни кутини керак.

А. Раҳматов эрталаб стар-ший лейтенант С. Воробьев ва лейтенант И. Бюлменталь би-лан воқеа содир бўлган жойга етиб келди. Қўни-қўшнилари би-лан сўхбатлашди. Қўшиллар-дан бири кеча Викторини маст ҳолда бири йиғит билан қўрағи-ни ва ўша йиғитнинг афган-ро-шини ўзига таърифлаб берди. Бу милиция ходимлари учун дастлабки гувоҳ ва далил эди.

Ақром Раҳматов гувоҳ сўзларини диққат билан эшит-гач, Кичушкинлар уйига кирди. Викториннинг хотинидан ола-альбом, эрининг яқин дўста-ри билан тушган расмини су-риштирди. У суратларни бир-бир арақлар экан, тафсилот берган гувоҳга кўрсатарди. Қирра бурун йиғит расмини кўрган гувоҳ «шунга ўхшай-ди» деб қолди. Бу кимсани ми-лиция лейтенанти яхши билар-ди.

А. Раҳматов операция бори-